

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 22-2017

Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари (13-18 февраль кунлари)

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улўғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Термизий халқаро марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш;

юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш;

турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда ажждоларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш;

Имом Термизий ва термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро конференция, симпозиум, кўрғазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва кўлэзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг кўлэзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

маънавий меросимизни ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишга доир тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш.

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда бир ой муддатда Марказнинг тузилмаси ва Низомини тасдиқлаш, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Марказ биноси ва унинг кутубхонасини қуриш, зарур моддий-техник база ва инфратузилмаларни барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Марказ фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Термизий ёдгорлик мажмуаси, ҳомийлик хайриялари ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро диний-илмий марказларнинг маблағ ва грантлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

5. Маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларига йўналтирилаётган маблағлари учун Марказнинг ҳисоб рақами очиқ экани қайд этилсин.

Марказни ташкил этиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари юридик шахслардан олинаётган фойда солиғидан озод қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон

Республикаси Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри, 2017 йил 14 февраль

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ
ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 февраль куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кўплаб йўналишларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланаётгани ва мустақамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 2016 йил 6 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар фаол ва самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидандир. 2016 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган. Товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини «яшил йўлак» орқали россиялик истеъмолчиларга етказишни ташкил этишга доир келишувлар имзоланган. Жорий йилда Россия бозорига 1 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар, шунингдек, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган кенг турдаги маҳсулотлар етказиб бериш мўлжалланган.

Ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Инвестициявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 960 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 64 етакчи компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси билан бир қаторда машинасозлик, металлургия, тўқимачилик саноати, фармацевтика, замонавий тиббий ускуналар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларида ҳам янги инвестициявий лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида янги дастур ва битимлар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар икки мамлакат компаниялари ўртасида узок муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаётганини қайд этдилар.

Д.Козак самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА “СЕНИ ЯХШИ КЎРАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОН!” КИТОБИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Иқтидорли ёш журналист Элмурод Нишонов публицистик мақолалари билан дўстлари ва мухлислари назарига тушган. 2009 йили Ўзбекистон

давлат жаҳон тиллари университетини тамомлагандан сўнг у иқтидорини матбуотда синаб кўрди. Турли мавзуларда мақолалар ёзиб, қаламини чархлаб борди. Тинмай ўз устида изланиши ва ижодий муҳитдан баҳраманд бўлиши ёш ижодкорга катта имкониятлар эшигини очди. Ҳозир у “Ҳуррият” газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг буюртмаси асосида “Академнашг” нашриёти томонидан чиқарилган “Сени яхши кўрамиз, Ўзбекистон!” китобида ёш публицистлар қаторида унинг ҳаётий кузатишлар асосида ёзган мақоласи ҳам жой олганидан Элмурод беҳад қувонди.

– Биз озод ва обод юртнинг бахтли ёшларимиз, – дейди у. – Чунки давлатимиз ёш авлодга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятимизни намоён этишимиз учун барча қулайлик яратган. Шу маънода ушбу китобнинг чоп этилиши биз, ёш қаламкашларга катта рағбатдир. “Дунёга бўйлашган ўзбек ўғлони” публицистик руҳдаги мақолам тенгдошларимнинг мақолалари қаторида саралангани менга билдирилган катта ишонч, деб биламан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган мазкур китоб тақдимотида ёзувчи ва олимлар, шоирлар ва адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаш ва рағбатлантириш уларнинг ижодий фаоллигини ошириш, маънавий оламини бойитиш, адабиётга қизиқишини уйғотишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Айниқса, ёш қаламкашлар ижодини юзага чиқариш, улар томонидан яратилаётган янги асарларни саралаб, китоб қилиб чиқаришга доимий эътибор қаратилмоқда.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши бу ишларни янги босқичга кўтарди, – дейди адабиётшунос С.Мелиев. – Туркум мақолалар тўпламини ўзида жамлаган янги китоб мазкур ҳужжат ижроси доирасида нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан навқирон ижодкорлар ижодий сафарларда бўлиб, уларнинг кузатуви бўйича ёзилган мақолаларда юртимиз жамоли, унинг табиати, вилоятлардаги ўзгаришлар ва янгиликлар, танти ва меҳнаткаш одамлар ҳақида ҳаётий ҳақиқатни кўриш мумкин.

«ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ» МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон давлат раҳбари «Тараққиёт стратегияси» марказини барпо этиш таклифини маъқуллади. У қатор жамоат ва давлат ташкилотлари ташаббуси билан ташкил этилади. Марказ Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта асосий йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ижро этиш доирасида ташкил этилмоқда.

«Тараққиёт стратегияси» маркази нодавлат нотижорат ташкилоти мақомига эга бўлиб, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш бўйича мустақил институт, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини мониторинг қилиш институти, Савдо-Саноат палатаси, Ўзбекистон адвокатлари палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси унинг муассислари ҳисобланади.

Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта асосий йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган чораларни ҳаётга татбиқ этиш ва ҳар томонлама қайта кўриб чиқиш, экспертлар ва жамоатчилик иштирокидаги муҳокамаларда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнига фуқаролик институтлари вакиллари, мутахассислар ва олимларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ бўлади.

Марказ Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган анжуманларнинг ахборот-таҳлилий баёни, илғор хорижий тажриба, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг баҳоларини ўрганиш ҳамда уларнинг кенг муҳокамасини ташкил этиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясининг самарали ижроси, қонун, қонуности ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам Марказ вазифаларига киради.

Техник кўмак бериш воситалари, халқаро ва маҳаллий ташкилотлар, ННТ, таҳлил ва ўрганишлар хизмати учун вазирлик ва идоралар томонидан тўланадиган хизмат ҳақлари ва бошқалар Марказнинг молиявий манбаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, Марказ фаолиятига кўмак бериш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби ҳам тасдиқланган. У Марказнинг давлат органлари билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилишини таъминлайди ва унга юкланган вазифаларни ижро этишга ёрдам беради.

Марказнинг ижрочи директори сифатида Акмал Бурҳонов тайинланган. У Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты бўлиб, юридик ва таълим соҳалари, халқаро лойиҳаларда ишлаш бўйича етарли тажрибага эга мутахассисдир. Бурҳонов Япония университети битирувчиси сифатида, бироз вақт Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ижрочи директори ҳам бўлиб ишлаган.

САМАРҚАНДГА ҚОЗОҒИСТОН ОРҚАЛИ ЎТУВЧИ ЯНГИ ЙЎЛ ЯҚИН ҲАФТАЛАРДА ОЧИЛАДИГАН БЎЛДИ

Ўзбекистон ва Қозоғистон февраль охиригача ўзбекистонликларга Қозоғистон ҳудуди орқали Самарқандга йўлни анча қисқартиришга имкон берадиган М-39 йўлини ишга тушириш бўйича барча жараёнларни

яқунламоқчи. Бу ҳақда «Sputnik Ўзбекистон» нашри мухбирига Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Ерик Утембаев маълум қилди.

Унинг айтишича, томонлар барча зарурий ички жараёнларни яқунлашган, ўтказиш постларини белгилаб олишган. Бу постлар одамларга қулайлик яратиш мақсадида кунбўйи ишлайди.

«Аввал постлар фақат кундузи ишлаган, энди улардан иккитаси кунбўйи ишлайди. Асосийси, Ўзбекистон фуқароларининг Қозоғистон чегарасидан ўтиши механизми енгиллаштирилди. Мисол учун, паспортга штамп қўйилмайди. Ўзбекистонликларга Қозоғистон ҳудудига кираётганда махсус миграцион карточкани тўлдириш керак бўлади. Бу оддий бланк бўлиб, у Қозоғистондан чиқаётганда топширилади», деб айтди Қозоғистон элчиси.

Миграция карточкаси хусусий машиналар ҳайдовчиларига ҳам, автобусларда кетаётган одамларга ҳам тақдим этилади. Ўзбекистонликлардан чегарадан ўтаётганларида ҳеч қандай ҳақ олинмайди, яъни чегарадан ўтиш тўлиқ бепул бўлади.

«Биз ҳаракатни февраль охиригача йўлга қўямиз. Қозоғистон ўз томонидан барча жараёнларни яқунлади, энди буни Ўзбекистон қилишини кутмоқдамиз ва йўл бўйлаб ҳаракатни синхрон равишда очамиз. Бу яхши кадамдир, чунки сайёҳлик оқимини рағбатлантиради», деб таъкидлаб ўтди Утембаев.

Эслатиб ўтамиз, Қозоғистоннинг Мақтаарал тумани ҳудуди орқали ўтувчи йўл 2006 йилда ёпилган эди. Бу йўл эвазига Жиззахдан Самарқандга йўл 78 км дан 24 км гача қисқаради.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЮНОН-РУМ КУРАШЧИЛАРИ РОССИЯДАГИ ТУРНИРДА 2ТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

11-12 февраль кунлари Россиянинг Подольск шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Европа чемпиони В. Ивлев соврини учун IX Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда асосан Россия, Қозоғистон, Беларусь ҳамда ўзбекистонлик полвонлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси саккиз нафар курашчи билан иштирок этди, деб хабар бермоқда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати.

59 кг вазн тоифасида Феруз Тўхтаев, 66 кг вазнда Данила Морозов ва Нурбек Ўктамов, 80 кг вазн тоифасида Жонибек Отабеков, 85 кг вазнли спортчилар баҳсида Рустам Султонов, 98 кг вазн тоифасида Жаҳонгир Турдиев ва Икром Ибрагимов, шунингдек, ўта оғир, яъни 130 кг вазн тоифасида Аббос Ибрагимовлар Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишди.

Мусобақада Феруз Тўхтаев барча рақибларини мағлуб этиб, яқунда олтин медаль соҳибига айланди. Жонибек Отабеков эса кумуш медалига сазовор бўлди. Бундан аввалроқ ушбу полвон Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритганди. Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси Россиядаги турнирни битта олтин ва битта кумуш медали билан яқунлади.

Энди эркин ва юнон-рум курашчиларимиз Туркияга йўл олишади ва мавсумнинг навбатдаги халқаро мусобақасида иштирок этишади. Истамбулда ташкил этиладиган турнир 3-5 март кунлари юнон-рум кураши

вакиллари иштирокида бўлиб ўтса, 10-12 март кунлари эркин курашчиларимиз гиламга чиқадилар.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ИМОМАЛИ РАҲМОН ЎҒЛИГА ПРЕЗИДЕНТ БЎЛИШИ УЧУН ТАВСИЯЛАРИНИ БЕРДИ

Тожикистон президенти Имомали Раҳмон Душанбе шаҳри фаоллари билан учрашувида ўғлини нима учун пойтахт ҳокими этиб тайинлаганини маълум қилди. Президентнинг қайд этишича, унинг учун бу қарорни қабул қилиш осон бўлмаган. Бу ҳақда Asia Plus медиа гуруҳи хабар қилмоқда.

«Пойтахт ҳокимлигини эгаллашдан аввал, Рустам Имомали жиддий давлат тузилмаларида етарли тажриба орттирди. Бундан ташқари, сир эмаски, шаҳардаги муаммоларни ҳал этишда унга четдан босим ўткази олишмайди», — деган президент. Унинг таъкидича, «Рустам Имомали ўзига юкланган барча вазифаларни удалай олади». Шу билан бирга, давлат раҳбари ўғлига халққа яқин бўлишни маслаҳат берган.

«Бизнинг халқимиз жуда мулойим ва юмшоққўнгил. Унга кўп нарса керак эмас – доимо электрэнергияси, арзончилик ва муҳими, қўнгли тусаган муносиб иши бўлса бас. Уларни шу эҳтиёжлари билан таъминла, одамлар сени ҳамма нарсада қўллаб-қувватлайди. Халққа яқин бўл, анжуманлар ва дабдабали саройларда эмас, одамлар билан кўпроқ учраш. Уларнинг уйларига бор, оддий ишчи, хизматчи билан уларнинг дастурхони атрофида ўтир. Бу билан сен нафақат уларнинг ҳурматини қозонасан, балки оддий халқ қандай яшаётганини ҳам англайсан», — деган давлат раҳбари.

Имомали Раҳмон, шунингдек, мамлакатнинг аввалги ва ҳозирги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, шаҳарнинг машаққатлари ва эришган ютуқлари хусусида ҳикоя қилган.

Бундан ташқари, Тожикистон раҳбари Душанбе шаҳри халқ хўжалигининг муҳим соҳаларидаги ҳолатни батафсил таҳлил қилган ва барча муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли шахсларга топшириқлар берган. Давлат раҳбари Коррупцияга қарши агентликка 1 июлгача бўлган муддатда қурилиш иншоотлари учун ажратилган республика ва пойтахтнинг бюджет маблағларидан фойдаланишни текшириш вазифасини ҳам топширган.

Рустам Имомали 2017 йил 12 январида Душанбе шаҳри ҳокими лавозимига тайинланган эди. У Маҳмадсаид Убайдуллоев ўрнини эгаллаган эди.

ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУХАМЕДОВ ДЕЯРЛИ 100 ФОИЗ ОВОЗ ОЛИБ, ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Туркменистоннинг амалдаги раҳбари Гурбангули Бердимухамедов республика президенти этиб учинчи бор қайта сайланди. У 97,69 фоиз овозларни қўлга киритди, деб хабар бермоқда РИА Новости мамлакат марказий сайлов комиссияси раисига асосан.

Аввалроқ Туркменистонда сайловлар ва референдумларни ўтказиш бўйича марказий комиссия якшанба кунини мамлакат президенти учун бўлиб

ўтган сайловларда Туркменистоннинг 97,27 фоиз фуқаролари қатнашганини хабар берди.

Сайловда Бердимухамедовдан ташқари, Саноатчилар ва тадбиркорлар партиясидан Бекмират Аталиев, Аграр партиядан Дурдикилич Ўразов ва номзоди фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан илгари сурилган 6 киши даъвогарлик қилганди.

59 ёшли Гурбангули Бердимухамедов 2007 йилдан бери ҳокимият тепасида бўлиб келмоқда. 2012 йили у иккинчи марта 5 йиллик муддатга сайланган эди.

Туркменистонда 2016 йил сентябрида конституциянинг янги таҳрири қабул қилинди. Унга кўра, президентнинг ваколат муддати 5 йилдан 7 йилгача узайтирилди.

ТРАМП ОБАМАНИ ҚРИМ РОССИЯ ТАРКИБИГА ҚЎШИБ ОЛИНИШИДА АЙБЛАДИ

АҚШнинг янги президенти Дональд Трамп Қримнинг Россия таркибига қўшиб олинishi Барак Обама президентлиги даврида рўй берганини эслатиб ўтди.

«Қрим Россияга Обаманинг маъмурияти даврида қўшиб олинганди. Обама Россияга жуда ҳам юмшоқ муносабатда бўлмаганми?», дея ёзган Трамп ўз твиттерида.

Бундан олдинроқ, Оқ уй матбуот хизмати раҳбари Шон Спайсер Трамп Россия ҳукумати Украинадаги зўравонликка барҳам бериши ва Қримни Украинага қайтаришини кутаётганини маълум қилганди.

Унинг айтишича, Трамп «аввалги маъмуриятдан фарқли равишда», Россия билан кўплаб муаммолар, жумладан ИШИД масаласини ҳал қилиш учун яхши муносабатлар ўрнатмоқчи.

ШОЙГУ: «АҚШНИНГ КУЧ ПОЗИЦИЯСИДАН МУЛОҚОТ ЎРНАТМОҚЧИ БЎЛАЁТГАНИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ НАТИЖА КЕЛТИРМАЙДИ»

Россия мудофаа вазири Сергей Шойгу Россия Пентагон билан ҳамкорликни тиклашга тайёр эканини маълум қилди. Бироқ унинг сўзларига кўра, куч нуқтаи назаридан мулоқотни ўрнатиш ҳеч қандай истиқболга эга эмас, деб хабар берди ТАСС.

«Биз Пентагон билан ҳамкорликни тиклашга тайёрмиз. Бироқ Россияга нисбатан куч нуқтаи назаридан мулоқотни ўрнатишга ҳаракат қилиш ҳеч қандай натижа бермайди. Бугун Озарбойжон пойтахти Боку шаҳридаги Россия қуролли кучлари бош штаби бошлиғи армия генерали Валерий Герасимовнинг америкалик ҳамкасби Жозеф Данфорд билан учрашувида Пентагон позициясига аниқлик киритилиши мумкин», — дея маълум қилди Шойгу. Мэттиснинг таъкидлашича, АҚШ «совуқ урушнинг энг ғурбатли кунларида ҳам» ҳамкорлик ва ўзаро зиддиятларни бартараф этиш учун сиёсий йўлақларни очик ҳолда сақлаб турибди.

ТУРКИЯ БОШ ШТАБИ: АЛ БОБНИ ОЗОД ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ЯКУНЛАНДИ

Туркия қуроли кучлари бош штаби раҳбари Хулуси Акарнинг баёнот беришича, Туркия армияси ва Сурия муҳолифати кучлари Ал Боб назоратини қўлга киритган. Бу ҳақда хабар берган Sabah нашрининг қайд этишича, Акар Қатарда журналистлар билан қисқа учрашувида шу ҳақда сўз юритган.

«Табрикларим, Ал Бобдаги амалиёт тугади», — дея генерал сўзларини келтиради нашр. Унинг айтишича, қўшинлар жангарилар томонидан йирик миқдордаги портловчи моддалар билан тўлдирилган иккита пистирмани зарарсизлантиришган. Эндиликда, улар Ал Бобни бомба ва миналардан тозалаш ишларини олиб бормоқда.

Ал Боб ИШИДнинг Суриядаги бошпаналаридан бири эди. Туркия қуроли кучлари ва «Сурия озодлик армияси» «Фрот қалқони» ҳарбий амалиёти доирасида сўнгги икки ойдаги бор кучини ушбу шаҳарни озод қилишга қаратди. Туркияга кўра, амалиётнинг навбатдаги мақсади Раққани террорчилардан озод қилишдир. Бу шаҳар ИШИДнинг Суриядаги пойтахти ҳисобланади.

БМТ: ҚАРИЙБ 20 МИЛЛИОН ЯМАНЛИК ОЧ-НАҲОР КУН КЕЧИРМОҚДА

Ямандаги ижтимоий ҳаёт ва вазият кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Охириги 7 ой давомида озиқ-овқат тақчиллиги билан дуч келган яманликлар сони 3 миллион нафарга кўпайган ва айни дамда 17 миллион инсон тўйиб овқатланмайди.

Мамлакатдаги ҳарбий ҳаракатлар рўй бераётган ҳудудларга гуманитар ёрдам юкларини етказиб бериш билан шуғулланувчи ташкилотлар вакилларининг ҳаракатланиши ҳам анча қийинлашган.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.